

## “Спорт бизни бирлаштиради” шиори остида ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббуснинг 2 ташаббуси - ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиягини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтириш ташаббуси юзасидан 2019 йил 17 октябр куни “Спорт бизни бирлаштиради” шиори остида “Гидромелиоратив ишларини механизациялаш” факультетининг 1-курс талаба-ёшлари ўртасида оммавий спортни янада ривожлантириш мақсадида, талабаларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиш бўйича мини-футбол бўйича “Декан кубоги” мусобақаси ўтказилди. Мазкур мусобақани факультет декани Б.Норов томонидан кўтаринки руҳда очиб бердилар. Мусобақада 6 та гуруҳ терма жамоалари ўртасида муросасиз беллашув бўлиб ўтди. Ушбу беллашув якуннида ғолиб жамоаларни факультет раҳбарияти томонидан диплом, кубог ҳамда эсдалик совғалар билан муносиб тақдирландилар. Турнир якуни бўйича: 1-ўринни СХМИМ 104- гуруҳ терма жамоси эгаллаб гуруҳлар ўртасида тенгсиз деб топилди. 2-ўрин СХМИМ 103 - гуруҳ терма жамоасига насиб этди. Фахрли З-ўринни эса СХМИМ 102 - гуруҳ терма жамоаси эгалладилар.



**ГИМ факультети ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари О.Рўзибаев ахбороти**

**Институт матбуот хизмати раҳбари Р. Жуманиёзов**